

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.



№ 179 (6. 370)



1987 йил 8 август, шанба

Баҳоси 3 тийин



ЎзТАГ ва «Тошкент оқшоми» муҳбирларидан

ЯНГИ УЙЛАР

«Бешқайрағоч» массивида қад кўтарётган янги тўққиз қаватли уйлари афсонавий бахт тисоли — селмурғ қуши тасвирланган шарқ нақшлари безайди.

Тошкентдаги 2-ўйсозлик комбинатида тайёрланаётган уйлар мана шундай нақшлар билан безатилади. Бу паннони дизайнер — расомлар Петр, Николай ва Александр Жарскийлар яратди.

Ака-ука Жарскийлар зилзиладан зарар кўрган Ўзбекистон пойтахтини тиклашга бутун мамлакат ёрдам бераётган пайтда Ленинграддан бу ерга келган эдилар. Уларнинг эскизлари асосида безатилган маданият саройлари ва ёшлар кафе-лари, бошқа жамоат биноларидаги нақшлар шарқ афсоналарида келгандек кўзга қувонтиради.

АҲОЛИГА

ҚУЛАЙЛИК

Тошкентнинг аҳоли зич яшайдиган Қорасув-1 массивида аҳолининг қўлаб илтимосларига биноан «Химчистка» фабрикасининг филиали очилди.

Тўққиз қаватли бионинг биринчи қаватида махсус жиҳозланган хоналарда уй бекаларининг ўзлари кир-чирини ювиб, мутахассислардан зарур маслаҳатлар олишлари мумкин. Тажрибали усталар костюм, пальтолари, мўйнали буюмларни янгилаб берадилар. Эндиликда сайловчиларнинг нақазларига биноан Ўзбекистон пойтахтининг барча районларида аҳолининг хилма-хил буюртмаларини бажарувчи фабрика филиаллари ташкил этилмоқда.

УНУМДОРЛИК

ОШАДИ

«Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасида Швейцариядан келтирилган «Циммер» маркали янги поток ишга туширилди.

Унинг ёнида эса Италияда ишлаб чиқарилган «Орелин» маркали 13 метрли поток линия ҳам ишчилар оғирини енгил қилишга хизмат эта бошлади. Корхонада амалга оширилаётган янгиликлар эвазига тайёрланаётган маҳсулотларни пардоздан чиқариш ишлари бир мунча тақомиллаштирилди. Энди гул ва безаклар мато ювилгандан сўнг ҳам, дазмоллангандан кейин ҳам ўз рангини ўзгартирмайди.

Қолаверса, янги поток линияларни ишга тушириш муносабати билан меҳнат унумдорлигини 18 процентга ошириш имконияти ву-жудга келди. Фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг қўллаш корхона ишчиларида катта шухрат келтирмоқда. Биргина шу поток линияларнинг жорий этилиши муносабати билан бир-лашма чеварларининг ишида сифат ўзгаришлари ясабди эришилди. Қўл кучи сарфига барҳам берилиб, унда банд бўлган 18 ишчи бошқа зарур участкаларга ўтказилди.

ХУШХАБАР

Ўрта Осий темир йўлида тепловоз машинистларининг меҳнат унумдорлиги икки баравар ошди: улар ёрдамчиларсиз ишлашга «ўрганишди».

Янги техника — ЧМЭ-3 локомотивлари машинистларнинг локомотивни янқа ўзи бошқаришдан иборат мураккаб ишни ағаллаштига ёрдам берди. Янги локомотивлар автоматика билан таъминланган бўлиб, хизмат кўрсатишда анча қўлайдир.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 6 август куни бўлган мажлисида ўн иккинчи беш йилликда ва 2000 йилгача бўлган даврда аҳоли саломатлигини сақлашни ривожлантириш ва СССРда соғлиқни сақлашни қайта қуришнинг асосий йўналишлари лойиҳасини ҳамда КПСС XXVII съезди йўл-йўриқларига мувофиқ 1988—1990 йилларда мамлакатда соғлиқни сақлашни яхшилаш юзасидан ишлаб чиқилган биринчи галдаги тадбирлар масаласини кўриб чиқди. Бу ҳужжатларда соғлиқни сақлаш органлари ва муассасалари, илмий-тадқиқот институти ва медицина ўқув юртлири фаолиятини тубдан яхшилаш, соғлиқни сақлаш хизматининг кадрлар потенциални янада самаралироқ фойдаланиш, аҳолига медицина ёрдами сифатида жиддий яхшилаш йўллари белгиланган. Соғлиқни сақлаш системасининг қисқалиқлар олдини олиш соҳасини кучайтириш, атроф-муҳитни соғломлаштириш, совет кишиларининг меҳнат, турмуш ва дам олиш шарт-шароитларини яхшилаш, уларни муттасил жисмоний тарбия билан шуғулланишга жалб этиш, ичкиликбозлик ва алкогольизмга қарши курашни кучайтириш, аҳолининг овқати структурасини тақомиллаштириш юзасидан

катта тадбирлар белгиланган.

Касалхоналар ва поликлиникалар қурилишига ажратилган капитал маблағларни, шунингдек уларни жиҳозлашга ажратилган маблағларни анча кўпайтириш кўзда тутилди. Соғлиқни сақлаш муассасаларида овқат ва дори-дармонларга сарф-харажатлар нормаси кўпайтирилади. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган дори-дармонларга эҳтиёжларни тўла қондиришни таъминлаш, медицина техникасини ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш планлаштирилмоқда.

Соғлиқни сақлаш ва медицина фанини бошқариш, планлаштириш ва маблағ билан таъминлаш системасини қайта қуриш, медицина ва тармоқлараро фан-техника комплексларини, илмий-тадқиқот муассасалари ҳузурида тажриба-экспериментал корхоналарни кенг ривожлантириш, меҳнат, моддий ва молия ресурсларидан фойдаланишда раҳбарларга кўпроқ мустақиллик бериш кўзда тутилмоқда.

Аҳоли саломатлигини сақлашни ривожлантириш ва соғлиқни сақлашни қайта қуришнинг асосий йўналишлари лойиҳасини умумхалқ муҳомааси учун матбуотда эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ишлаётган ҳомиладор аёлларга ва ёш болалар она-

ларга имтиёزلарни кенгайтириш, шу муносабат билан амалдаги меҳнат қонунлари-га бир қанча қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ВЦСПС, Совет хотин-қизлар комитети, министрликлар ва идораларнинг таклифлари қўллаб-қувватланди. Жумладан, ана шу категориядаги ҳодимларнинг истагига мувофиқ улар учун тўлиқсиз иш куни ёки иш ҳафтаси белгилаш, ҳомиладор аёлларнинг иш ва хизмат нормасини камайтириш, бошқа, янада енгилроқ ишга ўтишни таъминлаш кўзда тутилмоқда. Ишлаётган аёлларга бошқа имтиёزلарни кенгайтириш, уларга янада қўлайроқ меҳнат шартини таъминлаш белгиланмоқда.

СССР Марказий статистика бошқармасини СССР Иттифоқ — республика давлат статистика комитети-га (СССР Госкомстатига) айлантириш тўғрисидаги таклиф маъқулланди. Қайта қуриш йўлининг амалга оширилиши, ҳўжаликни бошқаришни тубдан ислоҳ қилиш статистика органлари иши сифат жиҳатидан янги даражада бўлишни таъминлаш таъминлаш ўқитириш йўли-ди. Уларнинг олдида оперативлигини ошириш ва маълумотларнинг ишончилигини таъминлаш, уларнинг ошқоралигини кенгайтириш, мамлакат иқтисодий ва сс-циал ривожланиши жараё-ларини чуқур таҳлил этиш вазифаси қўйилди.

Сиёсий бюро М. С. Горбачевнинг Малайзия Бош ми-нистри Махатхир Муҳаммад билан учрашуви ҳамда СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбо-сари В. С. Мураховскийнинг Малайзия ҳукумати бошлиғи билан музокаралари якунла-рини маъқуллади. Фикрла-шув ва эришилган аҳднома-лар инқала мамлакат ўрта-сидagi ҳамжиҳатлик ва ҳам-корликни мустаҳкамлашга ёрдам берганлиги таъкидлан-ди. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН) ва унга кирувчи давлатлар билан муносабат-ларини янада ривожланти-ришга Совет Иттифоқининг тайёр эканлиги тасдиқланди.

М. С. Горбачевнинг ФРЕЛИМО партияси раиси, Мозамбик Халқ Республи-каси Президенти Ж. Чисса-но билан суҳбати нати-жалари, Совет—Мозамбик музокараларининг якунлари маъқулланди. Совет Итти-фоқининг Мозамбик билан бирдамлиги ўзгармаслиги, бу мамлакат билан ҳар то-монлама ҳамкорлигини ри-вожлантиришга қаратилган принципал йўли таъкидлан-ди.

КПСС Марказий Комите-ти Сиёсий бюросининг маж-лисида мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш ҳамда партия ва давлат ташқи сиёсий фаолиятининг баъзи бошқа масалалари ҳам кўриб чиқилди.



Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йил-лик юбилейи шарафига авж олдирилган социалистик мусобақада «Чевар» тикувчилик ишлаб-чиқариш бирла-маси коллективининг ҳар бир ишчи-хизматчиси актив иштирок этиб, салмоқли натижаларга эришмоқда. Айниқ-са, комсомол-ёшлар бу борада алоҳида ўрнак кўрсати-

шяпти. Шу кунларда ёшлар смена топшириқларини 120—130 процентга етказиб бажаришди.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) илгор комсомол тикувчилар-дан Ш. Ақомова, Д. Маликова, М. Ёқубова, В. Абду-жабборова ва М. Маликовалар ўзаро тажриба алмашиш-моқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ТАЖРИБА МАКТАБИ

«Ташпромстрой» трести-га қарашли 2-қурилиш бош-қармасининг Мамадали Чо-риев бошлиқ бригадаси ме-хнат мусобақасида пешқа-дамлигини қўлдан бермай ишламоқда. Яқинда касаба-союз комитети коллектив

ўн йилдан буён техника хавфсизлигига риоя этиб, бирорта ҳам жароҳат ол-магалигини қайд этди.

Ҳар бир смена бошлани-ши олдиндан қурувчиларга аниқ йўл-йўриқ берилади. Техника хавфсизлиги жа-моатчи инспектори янқа тар-

тибда ҳимоя воситаларини текширади, аниқланган кам-чиликлар дарҳол бартараф этилади. Бу қурувчилар меҳнати баракали, иш ҳақи яхши бўлишига ижо-бий таъсир қилмоқда.

Коллектив трестда бири-нчилардан бўлиб бригада

ишлагга асосида ишлагга ўтган. Техника хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя этиш, ўзаро талабчанлик меҳнат унумдорлигини ошир-моқда. Шунинг учун ҳам бу коллектив трест бўйича таж-риба мактаби бўлиб қолди.

пудрати асосида ишлагга ўтган. Техника хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя этиш, ўзаро талабчанлик меҳнат унумдорлигини ошир-моқда. Шунинг учун ҳам бу коллектив трест бўйича таж-риба мактаби бўлиб қолди.

коммунист Қадир-Берди Ну-ралиев ишчи комиссияси-нинг аъзосидир. У 1931 йилда Қрим область, При-морск районидagi Коченев қишлоғида туғилган. 1969 йилда Сирдарёдаги қишлоқ ҳўжалигини механизация-лаш техникумини, 1979 йил-да эса Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини ме-ханизациялаш инженерлари институтини тамомлади. Қадир-Берди Нуралиев қад-рдон ҳўжалиқда 40 йилдан буён ишлаб, тракторчида директорга бўлган йўлни босиб ўтди.

ЗАМОНДОШИМИЗ



Эртага—Қурувчилар куни

Нурли тақдир соҳибаси

Бинокорлик — энг аjoyиб, фахрли касб. Уни улуғлағилар ҳаётда бахти-саодатли бў-лади. Кун сайин чирой очиб бораётган ша-римиз жаналига кўз тикар экан Валентина Савельева беҳтиёр ана шу ҳақда ўйлайди. Ҳаётда адашмаганидиган, шундай бахтли за-монда яшаб бунёдкорлик ишларига фаол ҳисса қўшаётганлигини беҳтиёр қувонади. Бу бекизм элас, албатта. Унинг қўлида сайқал-топган бири-бирдан кўрсам, замонавий ту-рар йўл бинолари, маданий-маиший муасс-салар моҳир бинокорининг нурли тақдирдан ҳимоя қилиб турибди.

Ҳамон ёйда. Табиий офат туғайли Тош-кентнинг байроғига айлانганлиги ҳақи-даги хабар мамлакатларимизнинг турли бур-чалларида истиқомат қилувчи ҳар хил миллат аъмиларини қатъий ташвишга солди. Минг-лаб қурувчилар, бунёдкорлар шаҳарни тик-лаш учун Ўзбекистон пойтахтига ёрдам қўли-ни чўздилар. Ана шундай вақтда Валентина ҳам ўзини бошпанасиз қолгандек ҳис этди. Дўстлар бошига тушган мусибатдан қаттиқ озор чекди. Биринчида қатори тошкентлик-ларга шаҳарни тиклашга ёрдам беришни ўзи-нинг иссоний бурчи деб билиди. Унга умир йўлдоши Валентин Ибатович ҳам маслаҳат-бўлди. Мана 21 йилдирки, кўйбешиклик бун-ёдкорлар ўз юртидан олмасди навиқрон Тошкентнинг меҳри дарё кишилари орасида.

Аммо улар заррача бўлсада, ўзларини беғо-надек ҳис қилишмайди. Кун сайин юксалиб бораётган шаҳарнинг бугунги порлоқ истиқ-болга эришишда куч-гайратларин аямай бахтиёр ва шод яшаётганликларидан мамнун бўладилар.

Валентина Савельева ҳозирги кунда шаҳар-даги миллионлаб бахтиёр оилаларнинг бири. У ўзи билан дилдан суҳбат қурганларга ҳа-миша «Шундай ёруғ кўнлар бор бўлисин» дей-ди. Сўнг ўз тақдирдан беҳад мамнулигини уларга изҳор этди. Қувонмай бўладими ахир: айни кунларда у бошчилик қилаётган бригада 25-қўрмлик бошқармасидагина эмас, 2-ўйсозлик комбинатидagi пешақам коллек-тивларнинг бири. Ўзларининг аянжавий касб байрамларини муносабат меҳнат совғалари би-лан кутиб олаётган бу азамат қурувчилар Космонавтлар проспектидаги 200 оилга қўлжалланган янги турар йўл биносида иш су-ратини янада жадаллаштиришмоқдалар. Улар эришган ютуқларда тажрибали етакчи Ва-лентина Савельеванинг бой маҳорати қўл келмоқда.

СУРАТДА: Валентина Савельева.

Т. Каримов фотоси.

◆ (Қурувчилар кунига бағишланган бошқа материалларни газетанинг 2-саҳифасида ўқи-сиз).

Ҳиндистон Республикасининг элчиси Тошкентда

Ҳиндистон Республикаси-нинг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Трилоки Натх Кауль Ҳиндистон Рес-публикасининг Тошкентда Бош консулхонаси очилиши-да қатнашиш учун Ўзбеки-е-

тон пойтахтига келди. 7 август кунин Ҳиндистон элчиси Ўзбекистон Компар-тияси Марказий Комитети-нинг биринчи секретари И. Б. Утқовхўжаев, Ўзе-бекистон ССР Министрлар Со-

ветининг Раиси Ф. Ҳ. Қоди-ров, республика ташқи иш-лар министри С. Қ. Қурбо-нов ҳузурида протокол-га мувофиқ ташриф буюр-ди. (ЎзТАГ).

Ҳиндистон Республикасининг Тошкентдаги Бош консулхонаси очилди

7 август кунин Ўзбекистон пойтахтининг марказида жойлашган қадимги муҳта-шам бинода Ҳиндистон Рес-публикасининг Бош консул-хонаси тантанали вазиятда очилди.

Шаҳар партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, таниқли олим-лар, адабиёт ва санъат ар-боблари шу воқеада қатна-шиш учун келдилар.

Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. Қ. Қурбо-нов ишонч билдириб айтид-ки, Ҳиндистон Республика-сининг Ўзбекистон пойтахти-да Бош консулхонаси очил-ганлиги дўстона Совет — Ҳиндистон муносабатлари-ни янада ривожлантиришга хизмат қилади, Бош консул-хонанинг фаолияти Ўрта Осиё республикалари ва Қо-зогистонни қамраб олади. Бу воқеа Улуғ Октябрь соци-алистик революциясининг 70 йиллиги ва Совет — Ҳин-дистон дипломатия муноса-батлари ўрнатилганлигининг

40 йиллиги нишонланадиган йилда содир бўлганлиги диқ-қатга сазовордир. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев-нинг Ҳиндистон Республи-каси Бош министри Р. Ган-ди билан учрашувлари, Деҳ-ли Декларацияси ҳамда аср охиригача мўлжалланган ҳар томонлама ҳамкорлик тўғрисидаги икки томонла-ма битимлар имзоланганли-ги мамлакатларимиз ўртаси-даги алоқаларни янада ри-вожлантиришга қудратли омил бағишлади. Ўзбекис-тон мутахассислари ана шу битимларни рўёбга чиқа-ришга салмоқли ҳисса қўш-моқдалар. Республика олий ўқув юртлирида дўст мамла-кат учун малакали кадрлар-нинг катта отряди тайёрла-нади.

Ҳиндистон Республикаси-нинг бош консули Йогендра Кумар жавоб нутқи сузлади. Ҳиндистон Республикаси-нинг СССРдаги фавқулод-да ва мухтор элчиси Трило-ки Натх Кауль Бош консул-

хона очилиши маросимида сўзга чикиб, Ҳиндистон хал-қи ва ҳукумати Совет Итти-фоқи билан дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлигини мус-таҳкамлашга ғоят катта аҳа-мият бераётганликларини, бу эса мамлакатларимиз-нинг ҳаётин манфаатларига мос бўлиб, Ер юзида тинч-лиқни сақлаб қолишга қў-маклашганлигини қайд этиб ўтди.

Тошкент жамоатчилиги-нинг вакиллари ҳинд халқи-га муваффақиятлар ва рав-нақ тиладилар.

Консулхона очилиши тан-танали маросимда Ўзбекис-тон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов, Ў-збекистон ССР Олий Со-ветини Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романов-ский, Ўзбекистон ССР Ми-нистрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Ғ. З. Заҳрид-динов, С. У. Султонова иш-тирок этдилар.

(ЎзТАГ).

Муносиб вакиллар

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган қрим татарлар-нинг муносиб вакилларида иборат ишчи комиссияси-нинг аъзолари билан таниш-тиришни давом эттираемиз. Илгари хабар қилингани-дек, бу комиссия қрим татар миллатига мансуб гражд-ларнинг қўлдан-қўл истак-ларига биноан тузилган эди.

Тошкент область, Оржони-кидзе районидagi мевали да-рахт қўчатлари етиштирув-чи совхоз директори Сент Меметович Тоноров ишчи ко-

миссияси раисининг ўринбо-саридир. У Улуғ Ватан уру-шида қатнашган. Сўнгга халқ ҳўжалигининг турли со-ҳаларида фидокорона меҳ-нат қилди. Тошкент қишлоқ ҳўжалик институтини та-момлади, иқтисод фанлари кандидат илмий даражаси-ни олиш учун диссертация-ни муваффақиятли ёқлади. Партия, совет ва ҳўжалик ишларида бўлиб, узок вақт Оққўрғон район партия таш-килотига раҳбарлик қилди.

Жиззах область партия ко-митетининг биринчи секре-

тари этиб сайланди, Ўзе-бекистон ССР ўрмон ҳўжали-ги министри бўлиб ишлайди. Коммунист С. М. Тоиров СССР Олий Совети ва Ўз-бекистон ССР Олий Совети-нинг депутати этиб бир не-ча марта сайланган эди. У Социалистик Меҳнат Ҳақра-мони юксак унвонига сазо-вор бўлган, кўш Ленин ор-дени, Октябрь Революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ ор-денлари ва қўлгина медал-лари билан мукофотланган.

Сирдарё область Сирдарё районидagi «Малик» тажри-ба ҳўжалигининг директори

Сирдарё район партия комитети аъзосидаги қанда-дат, район Советининг депу-тати Қ. Нуралиев коллек-тив ҳодимлари тўғрисида, уларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шартларини ях-шилаш ҳақида ғамхўрлик қилади, меҳнатдаги юксак кўрсаткичларнинг гарови мана шунда, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Энвер Велиев ишчи комиссияси-нинг аъзосидир. У 1930 йилда туғилган. Ўн олти ёшдан меҳнат қила бошла-ди. Самарқанд областининг Оқтош шаҳридаги қанд за-води ҳузурида ТЭЦда эле-сарь шогирди, слесарь ў-ёқар, катта турбиначи бўлиб ишлади. Кейинчалик Самар-

қанд шаҳридаги 703-созлаш ишлари бошқармасида сле-сарь бўлди. Шу ернинг ўзи-да ишлаб чиқаришдан аж-ралмаган ҳолда ўрта маъ-лумот олди. «Самарқанд-химстрой» трести кичик ме-ханизация участкасида сал-кам ўн беш йилдан буён бригадда бошчилик қилиб келмоқда. Ҳалол меҳнат, би-лимдонлик, сезгирлик ва ғамхўрлик унга хос фази-латлардир. Э. Велиевга «Ў-збекистон ССРда хизмат кўр-сатган бинокор» фахрий ун-вони берилган.

Андижон шаҳридаги об-ласть стоматология поликли-никсининг врач Шадие Алимовна Бекирова ишчи комиссиясининг аъзосидир. У 1948 йилда Тошкент об-

ластининг Бекобод шаҳри-да туғилган. 1969 йилда Тошкент шаҳрида республи-ка медицина билим юртини тамомлади, уч йил Бекобод шаҳрида ишлади. Ишлаб чи-қаришдан ажралмаган ҳолда Андижон педагогика инсти-тутини тамомлади. Андижон-даги поликлиника комму-нистлари Шадие Алимовна-нинг камтаринлигини, меҳ-рибонлигини, топиширилган иш учун масъулиятини ҳис-этишини муносиб баҳолаб, уни ўзларига етакчи қилиб сайладилар. Ш. А. Бекиро-ва — область партия коми-тетининг аъзоси бўлиб, жа-моат ҳаётида фаол қатнаш-моқда, иш тажрибасини ёш мутахассисларга бақондир ўргатмоқда. (ЎзТАГ).



Бунёдкор

№ 8

Эртага—Қурувчилар кун

ЭНГ МУҲИМИ—УЙ-ЖОЙ

«Хар бир оилага — алоҳида квартира!», КПСС XXVII съезди минбаридан жарағланган бу сўзлар биз бунёдкорларни янгича ишлашга, ўз ишмизиди қайта қуриб меҳнат муваффақиятларини кун сайин мустақамлаб боришга руҳлантирмоқда. Ахир уй-жой проблемаси бугунги куннинг энг муҳим социал проблемаларидан бирига айланганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шунинг ўзиёқ олдимизда турган вазифаларнинг кенг кўламли эканлигини кўрсатиб турибди. Бу ҳақда КПСС Марказий Комитетининг кейинги йилларда бўлиб ўтган бир қатор пленумларида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди. Аҳолининг шинам турар жой бинолари билан таъминлаш бугунги куннинг асосий вазифаси эканлиги ҳақида гапирилди.

Аммо ҳали қурувчилар ўз иш услубларида ўзгаришлар ясади деб тўла айтолмаймиз. Сир эмаски, ҳали ҳанузгина капитал қурилиш мебоғлари самарадорлигини оширишда, қурилиш-монтаж ишларини тезлаштиришда ишга тушириладиган объектларни ўз вақтида фойдаланувчиларга топширишда жадаллик етишмаяпти. Баъзи бир қурилиш ташкилотларида юзга келган ишга енгил-епли муносбат ва деҳил ҳаракат қилишмаслик оқибатида бунёдкорлар шайнига ҳақли эътирозлар билдирилмоқда.

Қайта қуриш ва жадаллаштириш стратегияси бугунги куннинг программа ҳужжатига айлантирилган дастлабки вақтларда унинг талабларини амалга ошириш комбинатимиз инженер-техник ходимларининг бунёдкорларнинг доимо диққат-эътиборида бўлади. Ишни яхшилаш учун фақатгина назарий ҳаракат эмас, балки амалий иш ҳам зарур эди. Шу мақсадда ўтган йилнинг сўнгги ойларидан бошлаб коллективимиз қурувчилари ўртакда ишлаб чиқаришнинг прогрессив усули — бригада пудратини кенг жорий этишга киришди. Даставвал илгирлиги билан тилга тушган бой тажриба ва маҳорат тўплаган коллективларнинг бунёдкорлари ана шу истиқболли усул асосида ўз ишларини қайта қурдилар. Эришилган дастлабки натижалар эса янгиликнинг келгусидаги самарасини табиий равишда бошқаларга қўлайлигини кўрсатиб берди. Энг муҳими эса «бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» принципи қарор топди.

Бригада пудратининг афзалликлари айни кунларда ҳам эришяётган ютуқларимизнинг бош омил бўлмоқда. Июнь ойининг биринчи кунидан бошлаб комбинатимиздаги барча коллективлар ана шу истиқболли усул асосида меҳнат қилмоқдалар. Бу эса бизга иқтисодий-техник кўрсаткичларимизнинг эъ сайин юксалиб боришига қатъий шикоят яратди. Шуниси қувончлики юбилей йилида зиммасига олган топшириқларимизни пухта адо этиб, «Главташкентстрой» қурилиш ташкилотлари орасида пешқадамлар сифатида тилдан тушмай келаямиз.

Биргина ўтган олти ой мобайнида бош пудрат бўйича ўн олти миллион 560 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга

оширдик. Шунинг 33 минг сўмлиги ярим йиллик планга қўшимчадир. Бунинг эвазига 86 минг 541 квадрат-метр замонавий турар жой бинолари шахарликларни ўз бағрига олди. Ноил Бойбеков, Раҳим Ниёзов, Шонахитдин Сабихутдинов, Валентина Савельева сингари моҳир бунёдкорлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг қурувчилари бу ютуққа ўзларининг беракали улушларини қўшдилар. Улар йил бошидан қўлга олишга қатъий аҳд қилишганди. Айни кунларда улар сўз билан иш билгиллини амалда таъминлаган ҳолда социалистик мусобақани авж олдириб ишламоқдалар. Натижада мусобақа пешқадамларининг ҳар бири графикдан 15—20 кун ўзган ҳолда меҳнат қилишяпти.

Ишга ижодий муносбатда бўлиш бизга меҳнат ва хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланишни ҳам ўргатади. Комбинатимизда тежамкорлиқнинг янгидан-янги резервлари юзга келди. Бунинг оқибатида 35 тонна металлнинг тежаб қолди. Шу билан биргаликда 18 кубометр ёғоч иқтисод қилинди. Йил давомида электр энергиядан оқилона фойдаланиб борганлигимиз сабабли 4046 киловатт-соат электр энергиясини тежалган буюмлар ҳисобига киритдик. Иссиқлик энергиясини тежаб ҳажми эса 153 гигакалорияга тўғри келди. Бир сўз билан айтганда, тежалган хом ашёлар ҳисобига комбинатимиздаги қурилиш бошқармаларининг бири бемалол бир кун ишлай олади.

Қурувчилар — касбларнинг асли. Уни улуғлаганлар ҳеч қачон кам бўлмайди. Балки минглаб аҳолининг таҳсинига мушарраф бўлади, уларнинг қувончига қувонч қўйишадди. Ўзимизнинг анъанавий касб байрамимиз нишонланганда шу кунларда жойларда биз бунёд этган минглаб хонадонларда эл-юрт тинч ва осойишта ҳаёт кечираётганлигини ўйласам беиктиёр қалбим қувончга тўлади. Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар инсоният мана шундай бахт ва саодатни орзу қилган эди. Ичкилоб берган бахт тўғрисида одамлар рўшнолик кўрдилар, ўз бахтини тоғди. Тинч, бунёдкорлик ишларига берилди. Ҳозир қаёққа қарамайсиз, атрофга қарай қараб турган бир-бириндан кўркам янги иморатларни кўраемиз. Уларнинг ёнида эса янги қурилиш объектлари. Бу объектларда биз каби бунёдкорлар қўлни қўлга бериб меҳнат қилишиб шахарни янада яхшиламоқда.

Ўз байрамимизга комбинатимиз бунёдкорлари аjoyиб совға тайёрладилар. Жуковский, Павлов кўчасида барпо этилган 45 квартиралар янги уй фойдаланувчиларга топширилди. Бу билан шу кўчада тикланган янги бино тўрттага етди. Уларда ҳаммаси бўлиб ҳозирги кунда 315 оила истиқомат қилаёпти.

С. ШАЦМАН,
«Главташкентстрой» 2-ийосозлик комбинати бош инженери ўринбосари.



ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ УЧУН

Юнусобод массивида фойдаланишга топширилаётган янги турар жой бинолари ўзидан бир қатор қўлайликларни мужассамлаштирганлиги билан шахарлик меҳнатчилар қувончига қувонч қўшмоқда. «Главташкентстрой»нинг қурувчилари ўз ишларини қайта қуриш ва жадаллаштириш эва-

зига мавжуд объектларда янги маромининг бир йўсида олиб борилишини таъминламоқдалар. Айниқса, бу борада 1-ийосозлик комбинатининг 2-монтаж бошқармаси қурувчилари алоҳида ибрат кўрсатишяпти. Айни кунларда улар 9-кварталда фойдаланишга топширилай деб қолган 108 квартираларни янги

уйни пардоздан чиқармоқдалар. Ҳадемай, бу ерда ёш оилалар ўзларининг уй-йўларини нишонлайдилар. Бу — қурувчиларнинг Улуғ Октябрьнинг шонли 70 йиллиги байрамига тайёрлаган муносиб меҳнат армуғони бўлади.

СУРАТДА: бионинг ташки қўрилиши.
Ҳ. Мирзақаримов фотоси.

Зарбдор

қурилиш
одимлари

ШАХСИЙ

ИБРАТ

КЎРСАТИБ

В. И. Ленин номидаги Тошкент метрополитенининг янги бунёд этилаётган «Чорсу» станцияси қурилишида иш қизибди. Метросозлар қўлни қўлга бериб бу муҳим объектнинг зарбдор меҳнат майдонига айлантирилмоқдалар. Ўтаётган ҳар бир кун шахарликларга яна бир қўлайлиқни яратибди тезлаштиришга хизмат қилмоқда. Ўзининг зарбдорона меҳнати билан иш суръатига суръат қўшаётган қўли гул қурувчиларнинг ютуқлари тобора мустақамлашиб бораётир.

Шофёр Зоҳид Муқимов ҳам объектда иш суръатини жадаллаштиришга ўзининг баракали улушларини қўшаётганларнинг бири. Ўз машинасида ташиб келтираётган қурилиш материаллари бевосита метросозларнинг иш унуми юқори бўлишини таъминлайди.

Мана икки йилдирки, у бунёдкорлар билан елка-елка туриб ишламоқда. Ўз машинасининг техник пухталлигини мунтазам таъминлаб, унинг қувватидан оқилона фойдаланишда бу эса моҳир ҳайдовчига қатъий ютуқ келтираётди.

Зоҳид Муқимов юбилей йилнинг етти ойлик иш натижалари бўйича биринчи ўринни эгаллади. Қолаверса, ўтган вақт мобайнида ёнлиги ва мойлаш материалларини тежаб-тергаб фойдаланганлиги учун бир кун тежалган материаллар ҳисобига ишлаб берди. Бу мусобақа илгирлари меҳнат қилаётган 141-автобазада ўз касбининг фидокорлари кўпчилигини ташкил этишадди. Аммо Зоҳид Муқимов ўзининг топширилган ишга чуқур масъулият билан ёндош-иш билан улардан аж-ралиб туради.

Метросозларга хизмат кўрсатаётган ҳар бир қурувчи зиммасига кунига 120 тонна юк ташини топширишни олган. Аммо З. Муқимов бу кўрсаткичнинг доимо 140 тоннага етказди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки пешқадам ҳайдовчи йил бошидан бунён Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан қутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқда. Унинг меҳсоди

бу қатъий шикоятни нишонланадиган қушқача йиллик топшириқни бажаришдан иборат. Халқлар дўстлиги ордени нишондори, коммунист ҳайдовчи Зоҳид Муқимов барча ишчиларнинг ишга солиб, айни кунларда берган ваъдасининг ўлдасидан чиқиб пухта замин ҳозирламоқда.

Х. САИДОВ,
ТошДУ студенти.

Яхши кайфият сизга ёр бўлсин

Ҳикматли гаплар

Биласизми?

ЯХШИ ФАЗИЛАТЛАР

◆ Сўзининг энг яхшиси мулойимлик билан суҳбатлашиш ва одамга ҳалоллик йўлини кўрсатишдир.
◆ Инсон илми, одоби ва тавозеси билан ёқимли бўлиб, меҳнати билан шарафланир.
◆ Одамнинг фақат сўзига қараб эмас, унинг меҳнати ва саъй-ҳаракатини билиб баҳо бериш керак.

◆ Китоб — ҳаётнинг офтоби, ундан ақл жавоҳирлари йиғилади.
◆ Одобли ва марҳаматли кишиларнинг дўсти кўп бўлиб, ундан ҳамма намуна олади.

◆ Яхшиликни бисёр қил, зарра ёмонлиқ ҳам бировга раво кўрма.

◆ Инсон яхши фазилатлари билан шараф топадики, унинг ақл-заковати она-ерни яшнатганига ва бахт-саодатлар эшигини очиб беради.

◆ Тўртлик:
Мавжудот ичиде азиздир инсон,
Одамий хислат-ла лазиздир инсон.
Дунёни яшнатмоқ ишидир доим,
Ақл-заковатда мумтоздир инсон.
◆ Ҳалоллик йўлида ҳар қанча яхшилик қилсанг, эса кетмайди.
◆ Одамлар билан ширин муомала қил

лишни фазилат деб билиш керак.
◆ Меҳр-оқибат ва садоқат истасанг, ўзинг ҳам шу фазилатларнинг эгаси бўл.
◆ Дунёда яхшилик ва яхши ном абадий қолади, шунга эргашган одам яхши умрининг эгаси бўлади.

◆ Ўтган кунларни — афсона, кечаги кунни — ҳаёл деб билгин ва бугунни ҳаётнинг олға бориши деб ўйлаб саъй-ҳаракат қил.

◆ Яхши кунларининг ҳалоллик билан ўтказ, лекин ташвишли кунлар ҳам келишини ўйла, шундай экан бахт келганда босар-тусарининг билмай қолма.

◆ Инсон зотини ҳеч камситиб, турткилаб иззат-нафсига тема.


◆ Сўз ҳазина, унинг турлари ҳам кўп, шулар ичиде энг ёмон сўз ёлгончиликдир.

◆ Жоҳиллик, нодонлик ва қайсарлик — бу уч одат ёмон тарбия натижаси бўлиб, кишига фақат зиён келтиради.

◆ Ҳар нарсанинг метёри бўлганидек, оз сўзламоқ ва кўп фикрламоқ донолик белгисидир.

◆ Ёмон сифатли ишлардан сақланган одам ҳаётда доим тўғри йўл топади.

Абдурахим УМАРОВ,
шифоқор.



Бўстонлиқнинг энг гўзал масканларидан бири — Хумсонга борсангиз, Угом дарёси мафтун бўласиз.

СУРАТДА: тоғ дарёси Угом соҳиллари. Д. Аҳмедовфотоси.

Зилол сув роҳати

Шу куннинг мўзюида

Сўлим ёш Сувда чўмилсангиз танангиз яйрайди, ҳузур қиласиз. Айниқса очиқ сув ҳавзаларида чўмилсангиз ҳадеб шомлайдиган бўлмaysиз. Организмда қон айланиши, моддалар алмашинуви, юрак мускуллари фаолияти яхшиланади, асабнинг ором олади.

Соғлигингизга зарар қилиб қўймаслик учун, чўмилишни яхшиши ҳаво ҳарорати 20—22 даража, сув ҳарорати эса 18—20 даража бўлганда бошланг.

Агар сиз сопа-соғ бўлсангиз бир кунда икки-уч маҳал, орадан уч-тўрт соат оралиб чўмилишингиз мумкин. Терлаб турган пайтингизда ёки совқотганингизда асло сувга тушманг. Авал тер бир оз қотсин, совқотган пайтингизда эса сал исиниб олинг.

Агар сиз шу яқин орада касалланган туриб, ҳали бекуват бўлсангиз, чўмилишни бошлаган дастлабки кунларда фақат сувга шўғилиб олиш тавсия этилади. Бу гап атеросклероз, стенокардия (кўнрак қисми), беш миёа томирлари қисқариши касалликлари бор одамларга ҳам тегишли.

Томирлари мўрт бўлиб қолган катта ёшли одамлар, шунингдек қон босими касаллиги бор одамлар сувга эҳтиётлик билан тушишлари керак. Сувга югуриб келиб сакрас, шўғилиш мумкин эмас: аввал юзингизга, бўйингизга, кўнраққа сув теккизинг, шундан кейингина шўғинг.

Вегетатив томирларида бир пайлар бўзилган бўлган одамлар узоққа сузиб кетмасликлари керак. Бу қўнча бўйинг остохондорозда музатилади, бунда одамнинг боши айланади. Ўзини беҳол сезади. Бундай одам сувда сузиб натаётганида

бошини бурганида боши айланиб нетиши, баъза эса киши ҳушидан кетиб қолиши мумкин.

Сувунали касалликлар зўрайган пайтда, қи айлангани етишмовчилигида, ҳомиладор аёлларга эса дастлиги уч ойда ва ҳомиладорлиқнинг сўнгги уч ойда очиқ сувҳавзаларида чўмилиш қатъий ман қилинади.

Бошларнинг очиқ сув ҳавзаларида чўмилиш ақиди икки оғиз сўз айтиб ўтиш зарур. Маълумки, бошлар свга тушгандан кейин уларни сувдан вақтида чиқариш кўнрақ осон эмас. Бошлар офтобда жуда тез исиб кетадилар-судда эса тез совқотадилар, чунки улар организмдаги иссиникини бошқариш механизми хал таъминлашмаган бўлади.

Шунинг учун организмни чўмилишдан бошларни ҳав ҳарорати 22 даража, сув ҳарорати эса 21 даража, шомолтезлиги се-кундига 3 метр бўлганда чўмилишга бошлаш мумкин.

Сув ҳарорати 21 даража бўлганда — 2—3 минут, 22—24 даража бўлганда — 5—7 минут, 25—26 даража бўлганда 10—15 минутдан кўнра бир-икки маҳал чўмишга бўлади.

Сувунали зотликам, бронхит астма ва бошқа сувунали касалликлари бор бошлар касаллиқ зўраймаган даража, албатта врач рухсати билан чўмишга бошлашлари мумкин.

Таъин-ҳаракат аппарати функцияси бўзилган, соломоз бор, нади-қомати бузилган, мускули атрофияга учган, семирио кетган, сувунали бронх-ўнка касаллиги, атериял гипертонияси бор бошлар ва ўсимирлар учун очи сув ҳавзаларида чўмилиш фойда қилади.

Маҳфират ОНФЖОНОВА.

Ранг-баранг олам

ЧОЙ ДАРАХТИ

Хитойда учта чой даррахти борлиги аниқланди. Уларнинг ёши 500 йил. Бу даррахтларнинг энг йиритилиши бўйи 15 метр. Атрофга тарвақайлаб кетган шохлари 18 метрга боради.

ЖИМЛИКНИ

СОГИНИШГАНМИШ

Люцерна шаҳридаги ресторандардан бирининг эгаси Катта задалга Эстерадан ремонт қилишга қарор қилди. Харидорлар намайиб кетётган

нидан хавотирланиб шундай қилмоқчи бўлди. Бино пештоқи уч: «Эстрада вақтинчалик ремонтда», — деган эълон ёпиштирди. Эълон давомига: «Изи-роғга тушманг, тинчликда бемалол дам олсангиз», деган сўзларни қўшиб қўйди. Бахти қарангки, натижа ресторани эгасининг кутатидан ортқи бўлди. Ресторанда ҳар кеча ҳўрандалар кўп бўлди.

СУВ ОСТИДАГИ

ХАЗИНА

Бу воқеа 1917 йилда содир бўлган эди: Ҳиндистондан Анг-

лияга сузиб бораётган «Медина» кемаси немисларнинг сузвоти кемасидан отилган торпедо натижасида гарр бўлди. Ҳозирги баҳода ҳисоблаганда сув остига 20 миллион стерлинг турадиган қимматли-хо буюмлар қўшиб кетади. «Медина»да хинд усталари ишлаган санъат асарлари бўлган.

Бу қимматбаҳо буюмларни Ҳиндистондаги Британия ку-ролли кучларининг ўша вақтдаги бош қўмондони герцог

Монро жуғнатган ди. Даниялик гововселар су остида 64 метр чуқурликда хазинани чиқаришга урини қўришган. Дастлабки топилар орасида ярим миллионфунт турадиган гавҳар-дурғи бўлган олтин занжир бозди. Герцог меросхўрлари уш топилма қимматининг 15 процентини олажақларини эълон қилишган.

Русчадан
Ажд НОСИРОВ
таржимаси.



Дунё хабарлари

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

АҚШ ФОРС КЎРФАЗИДАГИ КУЧЛАРИНИ КЎПАЙТИРМОҚДА

ВАШИНГТОН. АҚШ ҳарбий-денгиз кучларининг қўшин ва оғир асбоб-анкомларини ташишга мўлжалланган «Ралей» катта десант кемаси шанбадан яқинбага ўтар кечаси Виржиния штатидаги Норфолк ҳарбий-денгиз базасидан чиқиб, шойилинч тарзда Форс кўрфазини районига йўл олди.

АҚШ ҳарбий-денгиз кучларининг вакили, «Ралей» иш-тирок этиши лозим бўлган операция хусусидаги тафсилотларни айтишдан бош торди. Аммо маҳаллий телевизион станциялардан бири кема, Форс кўрфазига йўл олган кема, Жанубий Каролина штатидаги Чарлстон портига кириб, миёна излайдиган ка-

терларни юклайди, деб хабар берди. Телестанциянинг ўша репортажиде «Ралей» Американинг миёна излаб топувчи вертолётлари операциясига ёрдам беради, деб айтилди. Шанба кунга ана шу вертолётларнинг сўнгиси АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг транспорт самолётида Норфолкдан Ҳинд океанидаги Диего-Гарсия оролига жўнатилади.

Етақчи телекомпанияларнинг хабар беришларига қараганда, қарийб 47 минг тонна су-юлтирилган газ солинган «ГЭС Принс» танкери ва уни қўзатиб бораётган Америка-нинг ҳарбий кемалари Ку-вайтдан чиқиб кетдилар. Бу кемалар Ҳўрмуз бўғозига

тинчгина етиб бордилар. Ҳозир берди. «Брижтон» супертанкери ҳам Кувайтдаги нефть қўйиш портидан жўнаб кетишга тайёр-гарлик кўрмоқда.

НЬО-ЙОРК. «Филадельфия» инкуайтер» газетасининг ёзишча, «миналар тўлиб-тошиб ётган Форс кўрфазига Кувайт танкерларига соқчилик қилиш операцияси Рейганин танкида қилаётган кишиларни ҳам, унинг тарафдорларини ҳам таҳлиқкага солиб қўйди. — Конгрессдаги Рейганин танкерларини химоя қилиш борасида ўтказ-ётган сийсати Эрон билан узоқ давом этадиган ҳарбий можорога олиб келиши мумкинлигидан хавотирдалар.»

МАСЖИДНИ

ПОРТЛАТМОҚЧИ

БЎЛИШДИ

ҚОҲИРА. Сешанба кунини сионист экстремистлар Шаркий Қуддусда мусулмонларнинг бош муқаддас даргоҳи — Ал-Ақсо масжидини вайрон қилмоқчи бўлиб, яна бир марта уриниб қурдилар, деб хабар беради Мисрнинг «Ал-Ахром» газетаси. Террорчи сионист ташкилотта мансуб уч йигит маич тағига қўлдан-қўл портловчи модда қўйишга уриниб қурди. Бу моддаёлар тасодифан пайкаб қолинди ва фожиянинг олдиди олиш мумкин бўлди.

Маашур масжидга бундан олдин ҳам суиқасд бўлганди. Газетанинг ёзишча, Исроил расмий маъмуруларининг ҳомийлигидан фойдаланувчи ва жаҳосиз қилишга ишонган террорчилар Фаластин аҳоли-сига қарши янги-янги жиноятларни тайёрлашни давом эттирмоқдалар.

Объективда—Мозамбик



Мозамбик ахборот агентлигининг хабарларига қараганда, мамлакат қуроли кучларининг муваффақиятли амалга оширган ҳарбий операциялари тўғрисида АҚШ ва Жанубий Африка республикасининг махсус хизмати қарамоғида бўлган юзлаб замбезияликлар ўз она юртиларига қайтиб келмоқдалар. Босқинчилар томонидан қўшиб кетилган, ўрмонларда яши-

риниб юрган кишиларнинг кўплари бошпанасиз, кийим-кечасиз, ниҳоятда қийин аҳолида яшашмоқда. Шу босқин ҳам уларнинг кўплари ёрдам кўрсатиш марказларига қочиб ўтмоқдалар.

СУРАТДА: қочоқлар Замбезиядаги ёрдам кўрсатиш маркази томон боришмоқда. АИМ—ТАСС фотоси.

ҚУРУВЧИЛАР

ЯНГИЛИНИДИ

Чикагодаги Мичиган қўли яқинда яшлаган уйларда яшовчи аҳоли тез-тез ўз ертўзларида сув тўлиб қолганини гувоҳи бўлмоқдалар. Го-ҳида сув ҳаттон бири-чи қаватга ҳам сўтарил-моқда. Бунинг сабаби на-мада? Қарангки бу ва АҚШнинг энг гўзал ав-тострадалари яқинда қу-рилган бинолар Мичиган қўлининг илгарти ўрнига қурилган экан. 200 йил-ча аввал сув ярм метр-ча камайган. Бюк, ке-йинги ўн йилли давоми-да қўлнинг суви 80 сан-тиметрга қўпайди деб ха-бар қилади «Еделъна правда» (Чехолювакия) газетаси.

Тилломи ёки виждон?..

Шифокорлик эл эъзозига, таҳсинига сазовор касблардан бўлиб, улар бутун вужуди билан инсон саломатлигини сақлаш, даволаш учун ҳарамат қилувчи, баъзида ўз саломатликларини хайрли иш учун қурбон қилувчи мўътабар зотлар ҳисобланади.

Декабристлар кўзғолони бостирилгач, подшо Николай I сардор декабристларнинг бир қаторини қатл эттириб, бошқаларини никояда оғир шароитли Нерчинск конларига бадарга қилдиради. Чунки бу жойларда сургундагилар тез ҳаётдан видолашиши керак. Декабристларга маслақдош, хайрихоҳ бўлган, кўзга кўринган шифокор Ф. Б. Вольф ҳам умрбод бадарга маҳкум этилган. У тақдирлаш, изтироб ва қийинчиликларга қарамай, сургундаги декабристлар ва уларнинг оила аъзоларини қўлидан келганча даволаш билан бирга, маҳаллий аҳолини, жумладан ночор деҳқонларни дардлардан фориг этишга ҳаракат қиларди.

Ф. Б. Вольф-Иркутскдаги олтин конларининг йирик саноатчисининг ўлим тўшагида ётган хотинини даволашга муассар бўлди. Шунда бой сургун азобиде юрган шифокорга икки кўти: бирида чой, иккинчисиде тўла олтин келтириб беради. Шифокор шунда ўзининг инсоний бурчини поймол этмай, беминнат касбини ардоқлаган ҳолда совғага эътироз билдириб, фақат чойни олади, олтинларни эгасига қайтариб беради.

Кейинчалик Ф. Б. Вольф яна бир саноат корчалонини жуда ҳавфли хасталик исканжасидан қутқариб қолади. Кўзи очилиб, шифо топган бой ўзининг халоскорига 5000 сўм ақча билан қўйидаги мазмунда хат йўллади: «Кўнгилдан ҳаёда этилган пулни олинг, акс ҳолда ёқиб юбораман», дейилган эди. Ф. Б. Вольф пулни қайтариб юборган, бой пулни намоийшкорона ёқиб юборди.

Шуни айтиш керакки, Ф. Б. Вольф жуда ночор, камбағал бўлиб, ҳаётини бир амаллаб, камтарона яшаган. Шифокор кўнгли билан, шунингдек маҳаллий аҳоли ўртасида жуда катта обрў-эътибор қозongan эди. Ф. Б. Вольф билан боғлиқ бўлган таассуроти лавҳа қайд этиб ўтилади. Петров заводи камокхонасида «Каторга академикси» ташкил қилинганда, шифокор Ф. Б. Вольф унинг фаолиятида актив қатнашди. У анатомиядан дарс беришдан ташқари физика ва химия фанларидан таъсил олишга эрдан беради. У 1854 йилда, амнистияга асосан икки йил қолганида вафот этади, уни дафн этишда қарийб бутун Тобольск аҳолиси қатнашиб, чуқур мотам тутади.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос.

Келинг, бир кулишайлик

ХАНДАЛАР

Кечикдингиз

— Жаноб комиссар, соатим йўқотганлиги ҳақидаги ташлаб кетган шикоятимни бекор қилгани келдим. «Соатимни ўғирлашди», — деб ўйловим, ҳозиргина уни топдим...

— Кечикдингиз. Ўғри аллақачон ушланган. У ҳозир қамоқда.

ТУМОВ ФИЛ

— Фил тумов бўлибди. Докторнинг маслаҳатига кўра бурнига томчи қўйиб керак экан.

— Томчилар... Ҳар бир бурун тешигига қанчадан?

— 4 ёки 5 литрдан, шунинг ўзи кифойа!

ФУТБОЛ ҲУНИИДА

— Якшанба кўни бўлган футбол ўйинидан эрим уйга бегоб бўлиб қайтди.

— Вой, ростданими?.. Бирор ери лат едим?

— Йўқ, ундай бўлса майлиди-я, бақиравери-бақиравери овозини йўқотибди.

МЕН ҲАМ...

— Мен жуда кўрқипман, доктор. — деди операция столига ётаётган бемор.

— Мен ҳам жуда кўрқипман, — жавоб берди доктор. — бугун менинг биринчи марта мустақил операция қилишим.

ҚИЗИҚИШ

Америкалик туристлар Париждаги энг катта музейни томошга қилишарди.

— Саволларингиз борми? — деб сўради экскурсовод.

— Менда савол бор, — деди бир хоним. — Мен партияларингизни нима билан ювишларингизни билганини истардим. Неге у бунчалик ярақлайди?!

БУ ҲЕЧ ГАП ЭМАС

Бир гасконлик билан марселлик ўз шаҳарларида ҳаво қанчалик иссиқ бўлиши ҳақида баҳслашардилар.

Бизда, ёзда кун шунақаям иссиқ бўлдики, асти қўйверасиз, туҳумлар офтобда ўз-ўзидан пишиб кетди.

— Бе, бу ҳеч гап эмас, жаноб гасконлик. Ахир, бизда туҳумларни ой нурида қовуриб пиширадилар-ку, — деди марселлик.

СТУДЕНТ ХАТИ

Бир студентдан ота-онасига хат келди:

— Хатинг ҳаммасини қийнаибди ўқиб ўтирасанми, — деди эри хотинига, — ўша пул сўраган жойини ўқий-қий-да...

Французчадан Сайдиғани МУСАЕВ таржимаси.

Бувижон,

ўқиб беринг

Ажаб

Енгларини бар уриб,
Дон шоппар бувилар:
Хас-чўп учар пар бўлиб,
Дон бир жойга бувилар.

Биларкан шамол ростдан,
Ажаб, донни, сомонни
Халос қилиб чўп, хасдан
Оқлаб бераркан донни.

Булоқ

Тури кўзди булоқча
Қайнаб ётар биқирлаб.
Қайнару тошиб кетмас
Кулган бўлар қиқирлаб.

Тарновчадай йўл очиб
Оқиб-чоиб кетади.
Богни қўмсар, у томон
Йўллар топиб келади.

Тош

Бемехр кимсаларга
Мени қилишар қиёс.
Шу гаплари тўғрими,
Менга алам қилар рост.

Бўрон, селлар домнига,
Дон бераман, ҳаётман.
Инсондан бардошга
Ўхшатсалар мен шодман.

Ҳабиб РАҲМАТ.

1987 йил 8 август

ШАНБА ОҚШОМИ

Алпон билан Чўлпон

(Эртак)

Қадим замонда бир она-бола яшар экан, тиним билмай ишлар экан. Она бойниқиде тонгдан шомгача оқсочлик қилар экан, ўғли Алпон эса пода боқар экан. У найини жуда соз чалар экан. Одамлар най овозини эшитгач, ситир, бузоқ, қўй-қўзиларини кўчага ҳайдар экан. Алпон гоҳо қиқирар экан:

— Хў, ҳайданглари! Эчки-улоқлар, хўтик, бузоқлар ҳайдалсин! Хў, бўталоқ, тойлоқлар, новвосу ғунажинлар, ғунону тойчоқлар ҳайдалсин!

Кўчага моллар чиқарилаверилар экан. Алпон уларни подага қўшиб, дашта олиб борар экан. Сўнгра у: «Бор жониворлар, ризқи-насибаларингни топиб енглар» деб ўзи баланд бир харсанга чиқиб олар экан, ўтириб олиб най чалар экан. Зерикса пичоғини олиб, гаров ўйиб янги най ясар экан. Қўёш ботар-ботмас, подани ҳайдаб қайтар экан, қўшқиб айтар экан...

Одамлар эшикларини очиб, молларини киритишар ва тоҳ эрталаб, тоҳ кечкурун Алпонга бир бурда нон ёки бир ҳовуч туршак беришар экан. Она-боланинг қуларни ана шундай ўтар экан.

Она-бола бир-бирларига жуда-жуда меҳрибон экан, суяنجич экан. Аммо она ўғлини уйлантиролмади эзилар, қуйналар экан. Алпон бунини сезиб онага тасалли бераар экан:

— Баъзиларга ҳайрон қоламан: она сути оғзидан кетмай ҳаётнинг паст-баландини билмай ё бўлмаса бирор иш қилмай уйланиш пайида бўладилар-а, онам!

Она жиймайди, Алпоннинг бошини силар экан, йўнчилиқдан бошини эгар экан.

Қўнларнинг бирида Алпоннинг уйига ёру биродарлари кириб келиб, янги гапни айтишди: «Нима дейсанки, шох сайлаб ўтказармиш, қўнларига катта соврун берармиш, зарбоф чопонлар қилдиран эмиш, ҳатто от ҳам миндиран эмиш. Ҳаммамиз борамиз. Ўзинида қатнашсан-қатнашамиз, қатнашмасан — томоша қилиб келамиз. Ҳуҳсеат беринг, онам!»

— Вой, рухсат! Ўйинанглар, қулинглар. Эсон-омон бориб келинглар.

Онаюк, илтимос, сиз ҳам юринг, — деб ялинибди Алпон онага ёлғиз ташлаб кетолмай.

— Йўқ дедиман. Йигитлар ҳам ялинишди, онани кўндиришди. Ҳаммалари саройга етиб боришди. Ҳаммаси, тоғ остига одам сирмас эмиш. Ҳаммамиз кўзи фил ўстилади тахтиравонда ўтирган тўзал маликада-ю, гинжинлаган от минган шаҳзодада эмиш. Шу пайт бир жарчи келибди-да, от ўйнатиб турди, дебди:

— Хў, халойиқ! Тоғ бағрига чиқиб ўтиринглари! Сайил бошланади, қўнлар! Маликам Чўлпоной эртага ўн олтига тўлади. Шу ерда ўн олти кун юрта ош берилади. Эшитмадим деманглар, бошқача гап деманглари!..

Карнай-сурнайлар чалинибди, ногора-лар урилибди. Бир маҳал сарбозлар қўршовида оппоқ отга минган, бошига олтин, гаўҳар, зар ва зумрадди тож кийган оқсоқол шох келибди. У: «Бошланглари!» дегандек жарчига имо қилибди.

— Биринчи томошаниз — кураш! — деб эълон қилибди жарчи. — Мардлар бўлса майдонга чиқсин!

Ўртага қўрни қондай, боши гулчакдай бир одам лапанглаб чиқибди. Уни кўрган бирорта йигит майдонга чинмабди. Шунда жарчи қитқилабди:

— Ҳа-ҳа! Полковнинг ҳайбатидан, девдек келбатида чўчиганлар, қўрқиб ранги ўчганлар бизга керакмас! Аммо куч гадада эмас, оёқ билан билдикда, асосан юракда, қолаверса, оруз-тилақда! Қани, марду майдон?

Ўртага гўлабел бир полвон чиқибди. Гулчакбош уни жўнгина кўтариб қўлатибди. Шундан кейин ўртага ҳеч ким чинмабди. Алпоннинг ошналари «Сен чиқ, сен чиқ! Сен бас кела оласан, йиқилсанг ер

кўтаради, йиқитсанг эл кўтаради, бирни-малик бўласан!» дея қисташибди. Баъзилар эса «эзиб ташламасин» деса, бошқалари «Кўз — қўрқоқ, қўл — ботир» дейишди.

Бу гаплар Алпонга мадад бўлиб, Алпон шартта ўрнидан турибди. Онасига қарабди. Она айтибди: «Одамлар рост айтди — йиқилсанг ер кўтаради, йиқитсанг эл кўтаради, бор!» Она қўл очиб фотиха берибди. Алпон аста полвон томон юрибди. Ҳакам уларни беллаштироқчи бўлибди. Аммо Алпоннинг қўлчи гулчакбош белига сира етмабди. Шунда ҳам Алпон орқасига қайтмабди. Белбоғидан қўлини аранг ўтказиб олибди. Кураш бошланибди. То-мошабинлар чайқалибди. Гулчакбош полвон Алпонни ўзига бир тортиб, кўтармоқчи бўлибди. Аммо белини эғолмабди, оёғини ердан узоқлаштирди. Алпон ҳам кўтаришга бир ҳаракат қилибди-ю, полвонни қўзғатмабди. Олишув узоқ давом этибди. Шунда ҳакам «Чўпон полвон, кўтар!» деб қиқирибди. Алпон орқасига бир селлиниб, полвонни айлантироқчи бўлган экан, гулчакбош чўққалиниб қўлибди. Бирдан «Ура! Яшасин Алпон!», «Яшасин Алпон!», деган қиқирчиқлар майдонни тўтиб кетибди. Ҳакам Алпоннинг елкасига қўқиб, голиб чиққанини эълон қилибди. Соврун ёғилибди. Шоҳ жарчига ишора қилибди, жарчи эълон этибди:

— Халойиқ! Шоҳимиз полвон Алпонни энг яхши от билан тақдирладилар. Алпон теракзордаги эгарлоқ отлардан хоҳлаганини таялаб олсин!

Майдонда гуриллаган қарсақ, қўтловлар кўтарилибди. Кураш эса намозшомгача давом этибди. Эртаси кўни мерганлик бошланибди. Бунда ҳам Алпон биринчиликни олибди. Алпонга зарбоф чопон кийдирилибди. Индинига ақл кураши бошланибди. Ўртага малика Чўлпонойнинг топишмоқлари ташланибди:

Одамларга қанот бахш этадиган, бой берсанг қайтиб келмайдиган, гаўҳардан қиммат, темирдан арзон, сувда оқмайдиган, ўтда қуймайдиган улғў учта нарсаси бор топинглар.

Бу гапни жарчи уч марта такрорлабди. Сайилгоҳга сув сепилгандек жимлик чўкибди. Ҳамма тин олибди, ўйлаиб қўлибди. Одамлар у деб ўйлашди, бу деб сўйлашди — топишолмабди. Бирини улғўни ота-она, деса, баъзилар фарзанд, деб айтишди. Баъзилар «Энг улғў қўёш» деб айтишди. Малика ҳаммага бирдек бош чайқабди. Бир маҳал Алпон ўртага чиқибди-да, шундай дебди:

— Одамларга қанот бахш этадиган нарсаси — оруз!

Малика тасдиқ аломатини билдириб бош силкибди.

Алпон сузюиб давом этибди: — Иккинчиси, ютқазиб қўйсанг топишмайдиган, гаўҳардан қиммат, темирдан арзон, ўзи улғў нарсаси одамнинг вақти! — дебди. Бу гал малика табассум билан тасдиқласа, шох хурсанд бўлиб: «Бараналло! — деб юрибди ва сўнг «Давом эт, ўғлим!» деб юрибди. Алпон давом этибди: Сувда оқмайдиган, ўтда қуймайдиган учинчи улғў нарсаси — илм-хунар.

— Офарин, офарин! — дебди шох ўрнидан турар экан. — Менинг якка-ю ягона қизим Чўлпоной ўн олтига тўлади. Жу-да кўп жойлардан — хонлардан, беклардан, шаҳзодалардан совчилар келди. Аммо қизим кўнмади. У соғлом, ақлли, доворак йигитни, уч саволимга жавоб берган йигитни хоҳлайман, деб кутар эди. Бу йигит ана шу Алпон бўлиб чикди. Эртадан бошлаб Чўлпон билан Алпоннинг тўйлари! Саройга келаверинглари! Хурсандчилик қилаверинглари!

Қўвончдан она кўзига ёш тўлибди, она ўғлини маҳкам қучоқлаб олибди...

ЕЎҚУБОН ШУКУРОВ

Масал

лади-ку, — деди қозон хўрсиниб.

Мухтор СУЛАЙМОНОВ,
ишчи.



Турфа олам

ҚИММАТГА ТУШАДИГАН КЎНГИЛУШЛИК

Янги Орлеаннинг симфоник оркестри АКШдаги бошқа коллективлар каби хайр-садақа билан кун «с» ради. Янги орлеанликлар пул йитиш бўйича узинга хос ихтирочилардир.



Шаҳарнинг 976-27-67 телефон номерини тегран киши 30 секундлик музикали ёзув эшитида, сўнгра маъини овоз ўз ҳоли билан қўнғирлаб қилиб пул тўлаган кишига миллиондорчилик билдилади. Ваҳоланки, у ҳеч қандай пул тўламаган бўлади. Бироқ, тўлайди. Қўрсатилган номерга сим қўқашининг хар бири 25 дол-

ларга тушади. Бу рақамни телефон хизмати томонидан ўрнатилган автомат стетчик кўрсатиб туради. Бу ҳақда «Интернэшнл геральд трибюн» хабар қилади.

БЕЛОСНЕЖКАНИНГ «ОЛТИН ТЎШИ»

Ака-ука Гриммларнинг «Белоснежка ва етти гном» эртангнинг экранлаштирилганлигига 50 йил тўлди. Бу асар У. Дисней томонидан 1937 йилда Голливудда экранлаштирилган биринчи тўла метражли рангли мультфильмдир.

Мультфильм уч йил давомида суратга олинган бўлиб, унга 1,5 миллион доллар сарф қилинган. Бу эса Ғарбий дунёни қамраб олган иқтисодий депрессия вақтидаги бениҳоя катта маб-лаба эди. Маблагини қисқартириш максдаида У. Дисней хизматчиларини баъзи бир қўнларни текнига ишлашга мажбур қиларди. Фильмни яратиш учун бир миллионга яқин расмлар ишланган эди.

Лос-Анжелесдаги премия-ерадан сўнг фильм бугун жаҳонга тарқалиб, 20 та тилга дубляж қилинган, шу билан бирга у АКШ ки-

ноиндустриясига 330 миллион доллар даромад келтирган.



СИРИ ОЧИЛДИ

Яқинда веналик ёғоч тайёрловчи савдогар ўз маҳсулотини сифатининг сирини очиб қўйди. Кўп йиллар мобайнида, деб хабар қилади болгариянинг «Орбита» ҳафталиги, у музика асбоблари фабрикасини юқори сифатли ёғоч билан таъминлаб турган.

Савдогар эски уйлар бузилганидан кейин ундан қолган тўсини, қалин тахта-ларини арзинмаган баҳога сотиб олар экан. Бир неча ўн йилликлар ва асрлар давомида қурилган ёғочлар музика асбоби усталарининг эҳтиёжини қондирган.

ҚАТЪИЙ ИШОНЧ

У марафон трассасида (42 километр 195 метр) тўрт кун югурган. У асфальтдан қўли билан силтанган ҳолда кўзгаларди, чунки унинг оёғи йўқ эди. Аравачасиз, гилдирансиз, у йўлга тана-сини қўярди. Тўртинчи кунни Лос-Анжелес марафонининг қатнашчилари югур-ришни бошлаб, бу жасур киши — Боб Виландга етиб олиши ва у билан бирга маррага келиши.

«Югуриш» тугагач Виланд мажруҳлар орасида ҳоҳиш-истаги бўлган руҳи қатъий кишилар қўл, улар умидсизлигини енгиб, ҳаёт олди-ларига қўйган мақсад йўлида боришмоқда, — деди ишонч билан.

Редактор ўринбосари
С. Б. ЕЎҚУБОВ

«Тошкент оқшони» 3-бет.

